*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 147 (8387). 4 август, 1984 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси навбатдаги мажлисида пассажирларга хизмат кўрсатиш юзасидан транспорт ишини янада яхшилаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида барча иттифоқдош республикаларда, ўлкалар ва областларда жамоат транспорти тобора ривожланди. Янги темирйўл линиялари, метрополитенлар, шаҳар ва қишлоқ маршрутлари фойдаланишга топширилди. Янги вокзаллар, депо ва автобус станциялари барпо этилди. Транспорт парки замонавий поездлар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжлари ҳали тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Транспорт ҳаракати графиклари бузилишига йўл қўйилмоқда, справка-ахборот ва контроль ревизорлик хизматининг иши суст ташкил этилган. Поездларда ва вокзалларда пассажирларга хизмат кўрсатишда, шаҳар транспорти ишида ва аҳолини қишлоқ жойларда ташишда жиддий камчиликлар мавжуд. Бу камчиликлар транспорт министрликлари ва бошқа бир қанча министрликларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет органлари пассажирлар ташишга эътиборни сусайтириб қўйганликлари, бу ишларнинг социал аҳамиятига етарлича баҳо бермаётганликлари, пассажир транспортининг аниқ пухта ишлашини ташкил этиш, унинг ишлаб-чиқариш техника базасини ривожлантириш, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётганликлари оқибатидир.

Сиёсий Бюро тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жойлардаги партия ва совет органлари зиммасига пассажирлар ташишни ташкил этишда тегишли тартиб ва интизом ўрнатиш юзасидан қатъий чоралар кўриш мажбуриятини юклади. Транспорт барча турларининг бекаму кўст ишлашини таъминлаш, транспорт ташкилотларининг ишлаб чиқариш техника базасини мустаҳкамлаш, ҳаракатни бошқариш ва билетлар сотиш автомат системаларини жорий этишни жадаллаштириш тадбирлари белгиланди. Транспортни кадрлар билан таъминлашга ва уларни мустаҳкамлашга ҳайдовчилар, проводниклар, диспетчерларнинг ҳамда меҳнаткашларга хизмат қилиш билан боғлиқ бошқа ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Партия комитетлари олдига пассажир транспорти ишини қаттиқ назорат остига олиш, аҳолига аниқ-пухта ва узлуксиз хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун талабчанликни доимо ошириб бориш, транспорт корхоналари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг куч-ғайратларини социалистик мусобақани ривожлантиришга, кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштиришга, топширилган иш учун уларнинг жавобгарлигини кучайтиришга йўналтириш вазифаси қўйилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси автоматлаштирилган усулда лойиҳалаш системаларини яратиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш юзасидан СССР Министрлар Совети тайёрлаган тадбирларни маъқуллади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши лойиҳа ва лойиҳаконструкторлик ишларини ишлаб чиқиш муддатларини қисқартириш, уларнинг сифати ва техникавий даражасини ошириш, шунингдек бунинг учун фойдаланиладиган материал, энергия ва меҳнат ресурсларининг талайгина иқтисод қилинишини таъминлаш имконини беради.

Тюмень областидаги Янбург газ конденсат конини фойдаланишга топширишни таъминлаш тадбирлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори қабул қилинди. Фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан, ғоят серунум машина ускуналардан фойдаланиб, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаш ва механизациялашни кенг жорий қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш тадбирлари билан қўшиб олиб борган ҳолда, жадаллик билан фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Тегишли министрликлар ва идораларга газ конлари ва газни комплекс тайёрлайдиган қурилмалар, темир йўллар ва автомобиль йўллари, уй-жойлар ҳамда социал маданий ва маиший объектлар қурилишини таъминлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси М. С. Горбачев ва Б. М. Пономарев ўртоқларнинг Германия Коммунистик партияси раиси Г. Мис билан учрашуви якунларини маъқуллади. Бунда немис ишчилар ҳаракатининг энг яхши анъаналарини давом эттираётган Германия Компартияси билан Совет коммунистлари доимо бирдам эканликлари таъкидланди, Германия Компартиясининг меҳнаткашлар манфаатлари учун, монополияларнинг ўзбошимчалигига, милитаризм ва реваншизм кучларига қарши сабот билан олиб бораётган кураши муҳим эканлиги қайд этиб ўтилди.

Н. А. Тихонов ва В. В. Кузнецов ўртоқларнинг Греция республикаси парламенти раиси И. Алеврас бошчилигидаги шу республика парламент делегацияси билан суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Сиёсий Бюро анъанавий дўстона Совет — Греция муносабатлари изчиллик билан чуқурлашиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этди ва Совет Иттифоқи халқларимиз манфаатларини, тинчлик ва халқаро хавфсизлик иши манфаатларини кўзлаб, бундан буён ҳам Греция билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилаётганлигини тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг мажлисида бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

# ЭЛЕКТР ДАРЁСИ САРЧАШМАЛАРИ

Ўрта Осиёда ГОЭЛРО планига мувофиқ қурилган биринчи электр станция — Бўзсув ГЭСининг машина зали томошабинларга очиб қўйилди.

Ҳозирда ҳам ишлаб турган бу ГЭС Ўзбекистон энергетикаси музейининг бир қисми бўлиб қолди. Тошкент шимоли—шарқий кўчаларида ўрнатилган стрелкалар экспозиция сари йўллайди. Ўрта Осиё экономикасига уч минг от кучи қўшилган йигирманчи йилларда энергетика қурилиши шаҳар чегарасидан ташқарида эди.

ГЭС энергияси шаҳарни электрлаштиришда катта роль ўйнади. Ўшанда шаҳарда атиги бешта дизель установкаси ишлар ва унинг қуввати шаҳар трамвайига зўрбазўр етарди. Ҳозир мамлакатдаги энг катта энергия системаларидан бири — Ўрта Осиё электр халқасининг сарчашмалари шундай бўлганди.

Бўзсув ГЭСидан атиги бир неча километр наридаги бош пульт шчитида кўк чироқлар — Ўрта Осиё электр станцияларининг ишлаб турган агрегатлари йилтирамоқда. Мана яна битта, иккита, учта чироқ қўшилди — Норак, Тўхтагул, Қурпсой, Чорвоқ ГЭСларининг резерв қувватлари ишга тушди. Кўклам — шу қувватлар ишлайдиган мавсум. Регион дарёларидан тошиб оқа бошлаган сув арзон энергиядан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга имконият беради. Ҳозир катта-катта иссиқлик электр станциялари — Сирдарё, Мари, Тошкент станцияларининг агрегатлари энг оз нагрузка билан ишламоқда. Ёзги жазирама дарё суви шаштини пасайтирганида ана шу станциялар тўла қувват билан ишлай бошлайди.

Энергосистема Ўрта Осиёдаги тўртта республика ҳамда Жанубий Қозоғистондаги бешта область шаҳар ва қишлоқларини энергия билан таъминлайди. Истеъмолчилар юксак вольтли линиялар орқали ҳар йили 86 миллиарддан кўп электр энергиясини олиб турмоқда.

Пульт ёнида қурилаётган электр станцияларининг схемасини кўрасиз: 3,6 миллион киловатт қувватли Рогун ГЭСи ҳамда шу йил ишлай бошлайдиган Бойпаза ГЭСи Вахш дарёсида қурилмоқда. Шунингдек Янги Ангрен ГРЭСининг (унинг биринчи агрегати шу йилиёқ ток беради), Мари ГРЭСининг иккинчи навбати схемасини кўрасиз.

Бош пульт шчитидаги чироқлар мамлакат регионларидан биридаги ҳаёт ва меҳнат маромини қайд этиб ярқирамоқда. Унда Бўзсув ГЭСи учунгина махсус чироқ йўқ. Чунки унинг қуввати ғоят оз. Шундай бўлсада, тўнғич ГЭСнинг энергияси ҳамон туташ системага қўшилиб турибди. Бу энергия Тошкентнинг бош майдонидаги фавворaларни ишлатиб туришгагина кифоя қилади холос. Лекин энг катта дарёлар ҳам жилғадан бошланади. Совет Ўрта Осиёсидаги биринчи ГЭСнинг музей машина залига кирган киши шуни ҳамиша ёдида тутсин.

**Г. КЛЯЦКИЙ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

**ҲАМЗА номли колхоз пахтакорлари Бўка районида биринчилардан бўлиб ғўза чеканкасини бошлаб юборган эдилар. Ҳозирга қадар пахта экилган 1880 гектар майдоннинг 1500 гектаридаги ғўзалар тўлиқ чеканка қилиб бўлинди. Айни вақтда хўжаликда экинга ишлов бериш, сув тараш ишлари ҳам қизғин давом этяпти. Пахтазорларда 40 та чопиқ трактори юқори унум билан ишлатиляпти, 180 нафар сувчи эса ғўзаларни оби-ҳаётга қондирмоқда.**

**Суратларда: колхоз бош агрономи Жўра Мусаев (чапдаги суратда ўнгда) ёш сувчи Ортиқ Тиллабоевга иш юзасидан кўрсатма бермоқда. Ўнгдаги суратда — 50 центнерчи бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Қаноат Оққулова ҳосил чўғидан мамнун.**

Ж. Тўраев фотолари.





# БОҒИМИЗ БОР — БАҲОРИМИЗ БОР

МЕН 25 йилдан буён боғдорчилик-сабзавотчилик бригадасига бошчилик қиламан. Бу давр ичида суғорилиши қийин бўлган 2 гектар майдонда шафтолизор, 35 гектар майдонда олмазор, 4 гектар ерда узумзор ташкил қилиб, ҳосилга киритдик. Эндиликда бригадамиз аъзолари эл дастурхонига сархил полиз маҳсулотлари билан бирга шафтоли, олма, узум каби турли мева-чева ҳам етказиб бермоқдалар.

Баъзан боғ оралаб меҳнатимиз самарасидан қувонаман. Ахир бу ерлар авваллари чакалакзор ва ботқоқликларидан иборат эди. Тўғри, дастлабки йиллари қийналдик, лекин чекинмадик. Натижада ўзимиз орзу қилган боғлар кўзга ташлана бошлади. Бизнинг ишимизни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Шу туфайли ҳам бригадамиздагина эмас, балки бўлимимизда ҳам боғ ва узумзорлар кенгайиб борди. Ҳозирги кунда бўлимимиз 54 гектар узумзор, 72 гектар олмазор ва шафтолизорга эга. Ҳар йили эл хирмонига 55—60 тонна узум, 65—70 тонна олма, шафтоли етказиб беріляпти. Бунда янгидан ташкил этилган бригадамизнинг ҳам муносиб улуши бор. Жумладан, бу йилги ютуқларимиз ҳам қувончли бўлмоқда. Ҳозиргача гектаридан 255 центнердан бодринг ҳосили йиғиштириб олдик. Бу бизнинг шароитимизда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда ҳар гектардан 150—160 центнердан олма, 125—130 центнердан узум, 110—115 центнердан шафтоли териб олинаётгани маълум бўлмоқда. Шу кунларда бутун диққат-эътиборимиз ғарқ пишиб етилаётган ҳосилни исрофгарчиликсиз эмас, нобуд қилмай эл дастурхонига етказиб беришга қаратилган. Шунқор Умурзоқов, Мамасидиқ Ҳамдамов, Забувра Зулхуморова, Турғун Асқаров, Рисқи Жўраева, Зулхумор Исматова каби ишчиларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар. Улар маҳсулотни жўнатишдан олдин саралаб, яшикларга жойлаштирмоқдалар.

Бригадамиз аҳли бундан кейин ҳам эл маъмурчилиги йўлида ҳалол меҳнат қилаверади. Турли хил маҳсулотлар ҳосилдорлигини ошириб, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

**Ў. ҲАМДАМОВ,**
**Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозининг боғдорчилик ва полизчилик бригадаси бошлиғи.**

# МЕҲНАТЛАРИГА ЯРАША

УМАРАЛИ Султонов бошлиқ бригада коллективи ғўза парваришида Бекобод районидаги «Дальварзин» совхози бригадалари ўртасида пешқадамликни қўлдан бой бермаётир. Шу кунларда бригада далаларида бўлган киши ғўзаларни оби-ҳаётга қондириш, комплекс ишлов беришни намунали йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлади.

Мавжуд 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаётган бригада деҳқонлари ишни мажбуриятга яраша олиб бормоқдалар. Механизаторлар Душа Ҳошимов, Ҳаким Жўраевлар культивация сифатига алоҳида эътибор беришмоқда. Сувчилардан Абдурасул Усмонов, Эсонали Йўлдошев, Насриддин Саҳобовлар ҳам ўз меҳнат постларида ҳамиша сергак.

Бригадада коллектив пудратига, айниқса, катта аҳамият берилаётир. Бир неча йилдан бери Ҳайдарали Алиматов оиласи бригаданинг 20 гектар майдонида ҳосил етиштирмоқда. Оила аъзолари унумли, ҳалол меҳнатларига яраша мўл-кўл даромад ҳам олмоқдалар.

Бригада пахтазорларида айни вақтда ғўза чеканкаси ниҳоясига етиш арафасида.

**Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

# КОЛХОЗДА БИРИНЧИ

**● КОММУНИСТ Соли Исоқов бошлиқ бригада заршунослари Терешкова номли колхозда биринчи бўлиб ғўза чеканкасини ниҳоясига етказдилар. Мавжуд 88 гектар майдондаги ғўзалар агрегатлар ёрдамида сифатли чеканка қилинди. Бунда механизаторлар Р. Усмоналиев, Қ. Тўйчиевларнинг ҳиссалари катта бўлди.**

**Айни кунларда бригадада ғўза қатор ораларига қўшимча ишлов бериш ва экинларни яна бир карра қондириб суғоришга катта эътибор беріляпти. Бригаданинг М. Норхўжаева, Б. Қобулова, А. Йўлдошева сингари аъзолари бегона ўтларни илдизи билан йўқотишяпти. Ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилаяпти.**

**У. ҲАМИДОВ,**
**А. ТИЛОВОВ.**
Ўрта Чирчиқ райони.

# АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

ПЕНЗА. 2 август. (ТАСС мухбири И. Бодров). «М. В. Фрунзе номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати музейига қўйилган экспонатлар корхонанинг шонли тарихи, ҳозирги куни ва ривожлантириш истиқболларини акс эттиради. Бугун музей дастлабки томошабинларни қабул қилди.

Музейга бир неча минг экспонат қўйилган. Уларнинг ҳаммаси ишчилар синфи авлодларининг давомийлиги, коллективнинг революцион, меҳнат ва жанговар анъаналарига садоқат мавзуини акс эттиради. Стендлардан бири Шчукинлар ишчи сулоласи билан таништиради, уларнинг жами меҳнат стажи 425 йилга етган. Сулола асосчиси Михаил Григорьевич Шчукин корхонада 1916 йилдан бошлаб, яъни завод барпо этилгандан кейин орадан бир йил ўтгач ишлай бошлаган, сўнгра унинг беш ўғли, икки қизи ўз оилалари билан шу корхонага ишга кирган. Шчукинлар, Захаровлар, Головлар ишчи сулолаларининг намояндалари ҳозир ҳам бирлашмада аъло меҳнат қилмоқдалар.

Музей залларида корхонанинг юзлаб энг яхши кишилари портретларига кўзингиз тушади. Улар орасида дастлабки большевиклар ячейкасини тузган, қўлига қурол олиб контрреволюцияга зарба берган, 1928 йилда Пензанинг биринчи велосипедини ясаган кишиларнинг суратлари бор. Велосипед ясалганидан кейин завод қувур заводидан велосипед заводи деб атала бошлаган. 1931 йилда пензалик велосипедсозлар ҳукуматнинг муҳим буюртмасини бажардилар — автотрактор ўт олдириш свечалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, мамлакатни мана шу свечаларни импорт қилишдан халос этдилар. Дастлабки беш йилликлар даврида фрезер станоклари, токарь-револьвер автоматлари, патефонлар, «ЗИФ» маркали соатлар ишлаб чиқарган кишиларнинг суратлари музейдан муносиб ўрин олган.

Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган зифчилардан ўн уч кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Музейнинг алоҳида зали мамлакат тарихининг шу даврига бағишланган. Завод ходимларининг тинч меҳнати давлатнинг кўпгина мукофотлари билан тақдирланган.

Завод музейи очилиши арафасида бирлашма коллективининг илтимосига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко музейга ўз дастхати билан портретини юборди. Улуғ Ватан урушидан кейин Константин Устинович Пенза область партия комитетининг секретари бўлиб ишлади, у завод ишчилари билан бир неча марта учрашди.

Янги музей корхонадаги сиёсий-тарбиявий иш маркази бўлиб қолади. Бирлашманинг Қизил байроғи, унга берилган Ленин ордени ва Октябрь революцияси орденлари сақланадиган тантанали залда ёшларни ишчилар сафига қабул қилиш, илғорларни ва меҳнат ветеранларини шарафлаш, комсомол билетлари топшириш, пионерларнинг тантанали линейкалари сингари маросимлар ўтказиладиган бўлади.

Музейнинг очилиши шарафига митинг бўлиб ўтди. КПСС Пенза область комитетининг биринчи секретари Ф. М. Куликов коллективни ажойиб музей очилганлиги билан ва шу унутилмас кунда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қўлга киритилган кўчма Қизил байроқ бирлашмага топширилиши билан табриклади.

Митинг қатнашчилари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга фидокорона меҳнат билан муносиб ҳисса қўшамиз, деб КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ К. У. Черненкога ваъда бердилар.

# ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

### ● ВАШИНГТОН

Ахборот агентликлари Пекинда аэрокосмик саноат соҳасида Америка—Хитой ҳамкорлиги программаси имзоланганлигини хабар қилди.

Агентликларнинг қайд этишича, Пекиндагилар пассажир самолётлари, вертолётлар, навигация ва аэродром асбоб-ускуналари харид қилишда ёки уларни Америка компаниялари билан биргаликда ишлаб чиқаришга иштиёқмандликларини билдирдилар.

### ● ДЕҲЛИ

Ҳиндистон ҳукумати составидаги ўзгаришлар бу ерда расмий равишда эълон қилинди. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, Ш. Б. Чаван Ҳиндистон Мудофаа министри этиб тайинланган. Ш. Б. Чаван шу лавозимда Р. Венкатараманнинг ўрнини эгаллайди. Ҳиндистон янги вице-президенти бўлажак сайловида Р. Венкатараман ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг номзоди қилиб кўрсатилган. Шу пайтгача давлат ирригация министри лавозимини эгаллаб келган Р. Н. Мирдха Давлат ташқи ишлар министри бўлди. Бироқ бош министр И. Ганди ташқи ишлар министрлигига раҳбарлик қилишни давом эттираберади.

Қишлоқни ривожлантириш давлат министри Харинатх Мишра ирригация давлат министри этиб тайинланди. Соғлиқни сақлаш ва оила фаровонлиги давлат министри Мохсин Кидван қишлоқни ривожлантириш министрлигига раҳбарлик қилади.

### ● ГАВАНА

Куба билан Гана империализм ўтказаётган агрессив сиёсатни қаҳр-ғазаб билан қоралади. Куба Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг раиси Ф. Кастронинг таклифига биноан республикага келган Гана миллий мудофаа мувaққат кенгашининг раиси Ж. Роллингснинг расмий дўстона визити якунларига бағишланиб бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда Вашингтоннинг босқинчилик йўли дунёнинг турли районларида қуролли можаролар чиқишига олиб келди, деб уқтириб ўтилади.

* * *

Гватемаладаги американараст режим ўтказаётган геноцид сиёсати натижасида сўнгги ҳафтада яна 40 дан зиёд киши қурбон бўлди.

Гватемалада инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун курашаётган жамоат ташкилотлари диктатор армиясининг солдатлари ва маъмурларнинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилаётган ашаддий ўнг ҳарбийлаштирилган қўшилмалар 30 дан ортиқ кишини ўлдирдилар ва жароҳатладилар. Ўнлаб кишилар дом-дараксиз йўқолди.

Гватемала ватанпарварларининг Энфопренса агентлиги хабар беришича, диктатура золим аппаратининг агентлари мамлакатда террор муҳитини авж олдиришни давом эттирмоқдалар. Партизанларга хайрихоҳликда шубҳа қилинган кишиларни тўғридан-тўғри кўчаларда ўлдирмоқдалар.

### ● ТОКИО

Япония Компартияси АҚШнинг Ацуги базасида (Канагава префектураси) «Мидуэй» зарбдор авианосецидаги самолётларнинг машқларини дарҳол тўхтатишни талаб қилди. Япония Компартиясидан парламентга сайланган депутатлар Япония ҳарбий маҳкамасининг вакилларига топширган баёнотда таъкидланишича, айниқса тунги пайтда Америка ҳарбий самолётларининг учишлари базага туташ одамлар зич яшайдиган районлар аҳолисининг хавфсизлигига катта таҳлика солмоқда.

* * *

Япония Компартиясидан парламент депутати М. Окадзаки Рейган маъмурияти Марказий Америкада мустақил суверен давлатларга нисбатан ўтказаётган зўравонлик ва ҳарбий товламачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаётган Накасонэ ҳукуматининг сиёсатини кескин қоралади. М. Окадзаки Қўшма Штатлар революцион Никарагуага қарши бошлаган эълон қилинмаган уруш авж олдирилаётганлигини қаттиқ танқид қилди ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларидаги реакцион хунталарга берилаётган ёрдам тўхтатилишини талаб қилди.

### ● ЛОНДОН

Лондоннинг расмий доиралари сиёсий оппозиция ва Буюк Британия жамоатчилигининг консерваторлар реакцион йўлини тобора кучли танқид қилаётганликларига жавобан ёпирилиб қарши кампания бошладилар.

«Дейли телеграф» газетасининг хабар қилишича, ҳукмрон партиядан бўлган министрлар ва парламент аъзолари тузган эсдалик хат шу кампанияни бошлаш учун сигнал бўлиб хизмат қилди. Хатда айтилишича, консерваторлар ҳамма жойда ҳукуматнинг беш йиллик ҳукмронлиги давридаги социал-иқтисодий сиёсати сайловчилар учун қандайдир «афзалликлар яратди» деб уқтиришлари лозим эмиш.

Ҳолбуки фактлар бунинг аксини кўрсатиб турибди. Консерваторлар ҳукмронлиги даврида мамлакатдаги ишсизлик икки ҳисса ошди. Пулнинг қадрсизланиш суръатлари ошиб бораётганлиги меҳнаткашлар маошининг анчагина қисмини кемирмоқда.

Қаттиқ чеклаб қўйилган маблағ ҳисобига яшовчи пенсионерлар ва ишсизларнинг ҳамёнига жуда катта зарба урилмоқда. «Стандард» газетасининг фикрича, келгусида ҳам мана шундай ҳолат давом этаберади. Ишсизлик ва пулнинг қадрсизланиш даражаси янада юқори кўтарилади.

Консерваторларнинг халқ манфаатларига зид бўлган шу йўлига мамлакатда кўрсатилаётган қаршилик кучайиб бориши мутлақо табиийдир. «Гардиан» газетаси оппозиция билан жамоатчиликнинг танқидига консерваторлар қандай воситалар билан қарши ҳаракат қилмоқчи эканликлари ҳақидаги баъзи мисолларни айтиб берди. Чунончи, Лондон соғлиқни сақлаш системасида муҳим лавозимларни эгаллаб турган консерватив партия аъзоларига юборилган «инструкция»га мувофиқ оппозициядаги лейбористлар ва либераллар партиясининг намояндалари шу системадан ҳайдалиши керак, чунки улар ҳукуматнинг сиёсатига қарши чиқмоқдалар.

### ● КОБУЛ

● АФҒОНИСТОННИНГ «Ариана афған эрлайнз» миллий авиакомпанияси самолётлари жаҳоннинг турли мамлакатларига сафар қилмоқда. Компания йўллари Кобулни Москва, Прага, Деҳли, Жидда, Лондон, Париж ва бошқа энг катта шаҳарлар билан боғлаб турибди. Бултур компания самолётлари 100 мингдан кўпроқ пассажир, ўн минглаб тонна юк ташиди. Компания шу давр ичида ўз тарихида энг кўп фойда —61 миллион афғонидан зиёд фойда олди.

